«FINANCE AUDIT» MCHJ
auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Навоий шохкучаси 35 уй, h/r: 20208000300276242001, ТИФ Миллий банк Анд вилоят булими, MFO: 00074, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20 , email: financeaudit2019@mail.ru Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ижобий фикр билдирилган

Хулоса санаси : 29 апрель 2021 йил

"Бўз пахта тозалаш" АЖ
Рахбариятига

"Бўз пахта тозалаш" АЖ нинг манзили ва банк реквизити:Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Бўстон тумани, Мустақиллик кўча 14 уй, ОАТБ "Аробанк", Бўз филиали, МФО:00053, х/р 2262 6000 4002 7930 8002, ИНН : 200263522.

Мен, **"FINANCE AUDIT" MCHJ** аудиторлик ташкилоти (манзил: 17034001, Андижон шахри, Навоийшох кучаси 35 уй, ТИФ Миллий банк Андижон булими, МФО 00074, ИНН 302754484, Оконх 84400, тел: 99890 254-16-20, email financeaudit2019@mail.ru , Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги кошидаги Андижон шахар давлат хизматлар маркази томонидан 2019 йил 5 январда 17559-тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган ва Молия Вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 00754-сонли лицензия эгаси) ташкилот рахбари, аудитори У.Рахмонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2016 йил 16 январда берилган 05365 рақамли аудиторлик малака сертификатига эга) хужалик юритувчи субъект **"Бўз пахта тозалаш" АЖ** нинг тақдим этган молиявий хисоботлари ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хужалик юритувчи субъект рахбариятининг жавобгарлиги

Хужалик юритувчи субъект рахбарияти бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофик молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва хакконийлиги, хамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги утказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Бўз пахта тозалаш" АЖ** томонидан илова килинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан утказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик буйича бухгалтерия хисоби тугрисидаги конун хужжатларига мувофиклиги ва хакконийлигини бахолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик утказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб курсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга булишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ва утказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йуналтирилган аудиторлик иш режаси асосида текширув утказишни уз ичига олади. Аудиторлик иш дастурини тузиш ва танлаш бизнинг мулохазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисобот ишончлилиги тугрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб хисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос буладиган **"Бўз пахта тозалаш" АЖ 2020 йил 31 декабр** холатидаги молиявий хисоботлари барча мухимлилик жихатлари буйича унинг молиявий-хужалик фаолияти натижаларини ва молиявий холатини хакконий акс эттиради.

"FINANCE AUDIT" MCHJ
аудиторлик ташкилоти рахбари С.А.Р. У.Рахмонова

ANDIJON VILOYATI ANDIJON SHAHAR O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI CHEKLANGAN JAMIYAT AUDITORLIK TASHKILOTI MAS ULIYATI FINANCE AUDIT